

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРАМУРАТОВА ИРОДА ИЛХОМБАЕВНА**

**ИСПАН ПОЭТИК ДИСКУРСИДА АСОСИЙ ТРОН СИФАТИДА**  
**МЕТАФОРАНИНГ АКС ЭТИШИ**  
**(Федерико Гарсиа Лорка асарлари мисолида)**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)**

**Турамуратова Ирода Илхомбаевна**

Испан поэтик дискурсида асосий троп сифатида метафоранинг асос  
этиши (Федерико Гарсиа Лорка асарлари мисолида)..... 3

**Турамуратова Ирода Илхомбаевна**

Метафора как основной троп испанского поэтического дискурса  
(на материале поэзии Федерико Гарсиа Лорки)..... 27

**Iroda Pkhombayevna Turamuratova**

Metaphor as the Basic Trope of Spanish Poetic Discourse  
(on the material of the poetry of Federico Garcia Lorca)..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 55

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРАМУРАТОВА ИРОДА ИЛХОМБАЕВНА**

**ИСПАН ПОЭТИК ДИСКУРСИДА АСОСИЙ ТРОН СИФАТИДА**  
**МЕТАФОРАНИНГ АКС ЭТИШИ**  
**(Федерико Гарсиа Лорка асарлари мисолида)**

**10.00.04 – Европа, Америка ва Австралия халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Fil175 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.uzswlu.uz](http://www.uzswlu.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Бахронова Дилрабо Келдиёровна**  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
доцент

**Расмий оponentлар:**

**Раҳимов Ғанишер Худойкулович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Шамахмудова Азиза Фуркатовна**  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),  
доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Жаҳон иктисодиёти ва дипломатия университети**

Диссертация химояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «13» сентябрь оят 13<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс: (99871) 230-12-92; e-mail:uzswlu\_info@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (5 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халқа йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2022 йил «14» сентябрь кунин тарқатилди.  
(2022 йил «14» сентябрь да 5 рақамли реестр баённомаси).



**Г.Х. Боқиева**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси, филол.ф.д., профессор

**Х.Б. Самигова**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, филол.ф.д., доцент

**Ж.А. Якубов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д.,  
профессор



## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё тилшунослигида миллий-маданий менталитетни ёрқин очиб беришда метафора феноменининг прагматик, лингвокогнитив, лингвокультурологик, этимологик жиҳатларини очиб беришга бўлган эътибор кучаймоқда. Метафораларнинг фалсафа, мантик, тилшунослик фанлари кесимида поэтик дискурс ва антропоцентрик парадигмада лингвокогнитив табиати, юзага келиш шартлари, луғавий бирликларнинг ҳосил бўлишидаги ўрни ва аҳамияти, таснифи, метафорик номларнинг халқнинг миллий қиёфасини намоён этувчи тафаккур тимсоли ва муайян тил олам манзарасини когнитив англаш ва тушунарли ифодалашга қаратилган имконияти тилшуносликдаги асосий масалалардан бирига айланган.

Жаҳон тилшунослигида метафорологиянинг пайдо бўлиши ва алоҳида соҳа сифатида шаклланишини антропоцентрик планда тадқиқ этиш, поэтик дискурснинг лисоний, семиотик, миллий-маданий, когнитив ва прагматик хусусиятлари, метафораларнинг лисон ва тафаккурга қаратилган лингвокогнитив, лингвокультурологик, психолингвистик табиатини тушунтириш борасида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Испаншуносликда Федерико Гарсиа Лорканинг поэтик дискурси тадқиқи орқали оламнинг индивидуал-муаллифлик манзарасини ёрқин ифодаловчи метафоранинг қўлланиш доираси, халқ маданияти, адабиёти, яшаш тарзи ва ижтимоий ҳаётини ушбу халққа хос дунёқараш, лисоний ва миллий-маданий жиҳатларини очиб бериш, метафоранинг инсон когнитив структураси ҳамда тил системасига дахлдорлигини нейролингвистик кесимда асослаш долзарблик касб этади.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда лисоний шахс концепцияси ҳамда оламнинг миллий-лисоний манзарасини ўрганиш ҳамда метафоранинг испан поэтик дискурси маконида қўлланилишига оид изланишларни олиб бориш марказий ўрин эгалламоқда. “Фундаментал, амалий ва инновацион илмий тадқиқотларни ривожлантириш, мавжуд илмий мактабларни сақлаб қолиш ва янгиларини яратиш, уларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, бунда иқтидорли ёшларнинг илм-фанга кенг жалб этилишини рағбатлантириш”<sup>1</sup>га, чет тилларни лингвокультурология, когнитив тилшунослик, социоллингвистика фанлари кесимида чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунга кўра, ўзбек тилшунослигида поэтик дискурс масаласи билан боғлиқ тил фактларини ўрганиш, хусусан поэтик дискурда испан менталитетининг ёрқин намоёндаси Федерико Гарсиа Лорканинг ижодий феномени тадқиқи ва таҳлили, шунинг индивидуал-муаллифлик метафора ва метаметафораларини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармони. [https://nrm.uz/contentf?doc=602358\\_&products=1\\_vse\\_zakonodatelstvo\\_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=602358_&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация илмий натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республикада фан ва теҳнологиялар тараққиётининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Метафоранинг ўрганилиши умумий тилшунослик ва адабиётшунослик каби кўплаб йўналишларда амалга оширилган. Бадиий нутқ ҳодисаси сифатида метафора адабиётшунослик ва стилистикада “Поэтика” асаридан бошлаб то XX аср ярмигача, А.Потебня, И.Гальперин, М.Миртожиев, П.Арутюнова, И.Арнольд<sup>2</sup> ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида батафсил ўрганилган. Шунингдек, метафора тилининг семантик эволюцияси йўлларида бири сифатда лексикология ва тарихий-семантикада В.Виноградов, М.Никитин, Г.Скляревская, В.Тарасова, Э.Бустос<sup>3</sup> томонидан тадқиқ этилган.

Метафорага нисбатан энг долзарб ёндашув сифатида ҳозирги кунда когнитив ёндашувни келтириш мумкин. Бунда ментал жараёнлар оламни англаш, тизимлаш ва тушунтиришнинг энг муҳим омили деб саналмоқда. Ўзбек олимларидан Ш.Сафаров, Д.Ашурова, Ж.Якубов, А.Маматов, Д.Худойберганова, Д.Бахронова, А.Юлдашев, Ш.Махмаранмова, хориж олимларидан Н.Арутюнова, Ж.Лакофф ва М.Жонсон, Э.Кассирер, М.Блэк,

---

<sup>2</sup> Потебня А.А. Теоретическая поэтика. – М.: Высшая школа, 1990. – 344 с.; Гальперин И.Р. Очерки по стилистике английского языка: Опыт систематизации выразительных средств. – М.: Либроком, 2016. – 376 с.; Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2010 – 288 б.; Арутюнова Н. Д. Метафора // Лингвистический энциклопедический словарь / под ред. В. Н. Ярцевой. – М.: Сов. энциклопедия, 1990; Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. Учебное пособие для студентов пед. ин-тов по спец. «Иностр. яз.». – 3-е изд. – М.: Просвещение, 1990. – 300 с.

<sup>3</sup> Виноградов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика // Проблемы русской стилистики. – М.: Высшая школа, 1981. – 319 с.; Никитин М.В. О семантике метафоры// Вопросы языкознания. – Москва, 1979, №1. – С.91-102; Скляревская Г.Н. Метафора в системе языка. – С.Пб: Изд-во Наука, 1993 – 152 с.; Тарасова В.К. О метафорической поминании// Семантика слова и предложения в англ. яз. – Л., 1986. – С. 41– 56.; Bustos E. G. La metáfora: ensayos transdisciplinarios. Madrid: Fondo de Cultura Económica, Universidad Nacional de Educación a Distancia, 2001. – 319 págs.

Э.Маккормак, М.Минский, Е.Кубрякова, А.Баранов, А.Чудинов, Н.Болдырев, Х. Ортега и Гассет, К.Навес, А.Бертран, М.Кандида Медрано, Х.Нубиола каби олимларнинг<sup>4</sup> ишларида метафора масаласи тафаккур маҳсули сифатида ҳамда лингвокультурология йўналишида Д.Ашурова, Н.Нормуродова, Д.Бахронова, Ю.Караулов, А.Вежбицкая, А.Зализняк, В.Карасик, В.Шаховский, О.Корнилов, Т.Дроздов Диез<sup>5</sup> каби олимлар илмий ишларида метафора миллий-маданий белги сифатида ўрганилган.

Федерико Гарсиа Лорка асарлари бўйича испаншуносликда А.Гелескула, Н.Малиновская, Л.Основат, Г.Диаз Плаха, Ф.Лакаса<sup>6</sup> каби олимларнинг адабий-илмий изланишлари мавжуд. Лорка ижодининг лингвистик

<sup>4</sup>Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 91 б.; Ашурова Д.У., Галиева М.Р. Stylistics of literary text. – Ташкент, 2013. – 37 с.; Якубов Ж. Француз тилида «муҳаббат» концептининг когнитив хусусиятлари / Олмоншунослик ва таржимашуносликнинг долзарб муаммолари. – Т., 2011. – Б.107-111; Маматов А. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. – Андижон, 2012. – Б. 212-220; Худойберганаева Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. Монография. – Тошкент: Фан, 2013. – 136 б.; Бахронова Д.К. Олам манзарасининг лингвокогнитив категорияланиши//Монография. – Т., 2021. – 278 б.; Юлдашев А.Г. Cognitive aspect of the uzbek idiomatic words and their equivalents in English. Philology Matters: Vol. 2019: Iss. 2, Article 2. – p. 77– 85.; Махмараимова Ш.Т. Ўзбек тили метафораларининг антропоцентрик тадқиқи. Филол. фан. доктори. дисс... автореф. – Самарканд, 2020. – 32 б.; Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс // Теория метафоры: Сборник. – М.: Прогресс, 1990. – С. 5–32.; Дж.Лакофф, М.Джонсон. Метафоры, которыми мы живем. – М.: УРСС Эдиториал, 2004. – 256 с.; Кассирер Э. Сила метафоры // Теория метафоры. – М., 1990. – С. 33-43; Блэк М. Метафора // Теория метафоры / Отв. ред. Н.Д. Арутюнова. – М.: Изд-во «Прогресс», 1990. – 512 с.; Э. МакКормак. Когнитивная теория метафоры // Теория метафоры / Отв. ред. Н.Д. Арутюнова. – М.: Прогресс, 1990. – с. 358-386.; Минский М. Остроумие и логика когнитивного бессознательного // Новое в зарубежной лингвистике. – М., 1988. Вып. XXIII. – С. 291-292.; Баранов А. Н. Метафорическая интерпретация понятия «коррупция»: языковые грани онтологизации бессознательного // Текст. Интертекст. Культура: сб. докладов международной научной конференции (Москва, 4-7 апреля 2001 г.). – М.: Азбуковник, 2001. – С. 572 – 593.; Чудинов А.П. Россия в метафорическом зеркале: когнитивное исследование политической метафоры (1991-2000). – Екатеринбург, 2001. – 238 с.; Болдырев Н.Н. О метаязыке когнитивной лингвистики: концепт как единица знания // Когнитивные исследования языка. 2011. Вып. IX. С. 23–32; Ортега-и-Гассет Х. Две главные метафоры // Теория метафоры. М., 1990. – С. 68-81.; Bobes Naves, C. La metáfora. – Madrid, Gredos, Collection: Biblioteca románica hispánica.2, Estudios y ensayos, 2004. – 227 p.; Pamies Bertrán, A. Metáforas libres y metáforas lexicalizadas. En Luis Luque Toro (ed.). Léxico español actual II. Venezia: Ed. Cafoscarina, pp. 229-238.; Muñoz Medrano, M<sup>a</sup>. C. La expresión de emociones a través de la metáfora: análisis contrastivo español-italiano. ELUA, 33. 2019 – pp.141 -156; Nubiola, J. “El valor cognitivo de las metáforas. Verdad, bien y belleza. Cuando los filósofos hablan de los valores”, Cuadernos de Anuario Filosófico, 103, 2000. – pp. 73-84.

<sup>5</sup> Ашурова Д.У. Лингвокультурологический фактор в работе над художественным текстом на занятиях по стилистике английского языка // Хорижий тилларни ўқитишда лингвокультурологиянинг ўрни ва аҳамияти. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ЎзДЖТУ, 2007. – С. 116-119; Нормуродова Н.З. Когнитивный аспект языковой личности в художественном диалоге (на материале английского языка). Вестник Челябинского государственного университета. 2011. – № 25 (240). Филология. Искусствоведение. Вып. 58. – С. 126-129; Бахронова Д.К. Антропозооморфизмларнинг лингвокультурологик хусусиятлари. Монография. – Тошкент: Fan va texnologiyalar, 2018. – 100 б.; Караулов Ю.М. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 1987. – 264 с.; Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание: пер. с англ. /Ред.М.А.Кронгауз. – М.: Русские словари, 1997. – 416 с.; Зализняк А. Языковая картина мира. // [Электронный ресурс] <http://www.krugosvet.ru> – 2006.; Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – М.: Гнозис, 2004. – 390 с.; Шаховский В.И. Эмоциональные культурные концепты: параллели и контрасты // Языковая личность: культурные аспекты: Сб. науч. тр. / Под науч. ред. В.И. Карасик. – Волгоград: Волг. гос. пед. ун-т, 1996. – С. 80– 96.; Корнилов О. А. Языковые картины мира как производные национальных менталитетов / О. А. Корнилов. 2-е изд., испр. и доп. – М.: ЧеРо, 2003. – 349 с.; Drosdov Díez T. La personalidad lingüística y el análisis del texto. Reflexiones en tomo de una experiencia docente // Eslav. Complut. 2003. – 255-271 pags.

<sup>6</sup> Гелескул А. Федерико Гарсиа Лорка. В кн.: Лирика. – М., 1965. – С.4-18.; Малиновская Н.Р. Самая печальная радость // Гарсиа Лорка Ф. Избранное. – М., 1987. – 512 с.; Основат Л.С. Гарсиа Лорка. – М., 1965. –128 с.; Diaz Plaja G. Federico García Lorca. Estudio crítico. – Buenos Aires, 1948, 134 p.; Lorca F.G. Vida y obras. Madrid. – 1977. – 178 p.

томонларини эса М.Ярославцева, Д.Уте, О.Мусаева, О.Тихонова<sup>7</sup> каби олимлар тадқиқ қилган.

Шавкат Раҳмоннинг таржималарни ҳисобга олмаганда, Федерико Гарсиа Лорка испан адабиётининг машҳур ва ёрқин вакили бўлишига қарамай, унинг асарлари, жумладан шеърларида қўллаган концептуал метафора ва метаметафорани ўрганишга бағишланган фундаментал асарлар мамлакатимиз илм-фанида мавжуд эмас.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №И-245/11 “Докторантлар, мустақил изланувчилар ва талабалар ўртасида олиб борилаётган илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишлар” лойиҳасининг “Замонавий тилшуносликнинг долзарб масалалари” мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Федерико Гарсиа Лорка ноэтик дискурсида қўлланган концептуал метафора ва метаметафоралар моҳиятини тарихий билим ва экстралингвистик омиллар нуқтаи назаридан очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

лисоний шахс концепцияси ҳамда оламнинг миллий-лисоний манзарасини ўрганиш ҳамда метафоранинг иснан поэтик дискурси маконида ишлатилишининг ўзига хос хусусиятларини очиқ бериш;

ижодкор лисоний шахснинг олам лисоний манзарасини шакллантиришдаги ролин таҳлил қилиш;

испан лисоний онгига араб ва лўлиларнинг таъсири каби экстралингвистик омилларни кўриб чиқиш зарурлигини асослаш;

Лорка ноэтик дискурсида концептуал метафора ҳосил бўлиши механизмни ўрганиш ҳамда миллий-маданий реалиялар таъсири натижасидаги метафорик моделларни аниқлаш;

метаметафоранинг ишлаш механизмларини таҳлил қилиш, метаметафоранинг мазмуни ва татбиқ этиш усулларини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Федерико Гарсиа Лорканинг поэтик дискурси танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни оламнинг испан лисоний ва миллий-маданий манзараси тасвирини очиқ берувчи Федерико Гарсиа Лорка поэтик дискурсида қўлланган метафора ва метаметафоралар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзунинг ёрнатишда тавсифлаш, этимологик, контекстуал таҳлил, концептуал таҳлил ва саралаш усулларидан фойдаланилган.

---

<sup>7</sup> Ярославцева М.В. Темпоральные метафоры в языковых картинах мира носителей русского и испанского языков. Дис. ... канд. филол. наук. – Краснодар, 2011. – 156 с.; Уте Д.В. Язык и мир Федерико Гарсиа Лорки: На материале поэтических произведений. Автореф. дисс. канд. филол. наук. – М., 2005. – 26 с.; Мусаева О.И. Флористическая метафора как фрагмент национальной картины мира. (На материале русского и испанского языков). Дис. ... канд. филол. наук. – Воронеж, 2005. – 203 с.



**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Федерико Гарсиа Лорка поэтик дискурсида қўлланган концептуал метафоралар тўғридан-тўғри испан турмуш тарзига сингиб кетган *puñal, arado, alambres, piquetas, incensario, redes, cuchillo, tijeras, guitarra, cuerdas, arco* (ханжар, омуш, симлар, чўкич, ладан тутатқич, тўр, пичоқ, қайчи, гитара, торлар, камон) нарса-предметлар ва уларнинг элементлари орқали ифодаланиши аниқланган;

Федерико Гарсиа Лорка поэтик дискурсида қўлланган метафораларнинг олам лисоний манзарасидаги ўрни уларга сингдирилган *lluvia – paz, estrella – armonía, luna – muerte, viento – furia* (ёмғир – хотиржамлик, юлдуз – уйғунлик, ой – ўлим, шамол – зазаб) каби антропоморф каби метафорик моделлар асосида далилланган;

метаметафоранинг поэтик дискурсининг яширин сюжет ва гоёвий-бадий мазмун-моҳиятини ташкил этиши ҳамда испан менталитетига хос оламнинг лисоний манзарасини дешифровкалаш имкониятини бериши Федерико Гарсиа Лорка қўллаган фалсафий метаметафоралар асосида аниқланган;

Федерико Гарсиа Лорка поэтик дискурсида қўлланган метафораларнинг испан маданиятига хос стереотиплар ҳамда шопр индивидуал-муаллифлик шахсияти когнициясига бевосита алоқадорлиги *amor → cuerpo humano = objetos de flora y fauna* (муҳаббат → инсон танаси = флора ва фауна), *muerte → cuerpo humano = objetos de flora y fauna* (ўлим → инсон танаси = флора ва фауна) метафорик моделлари орқали исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

метафоранинг шеърятдаги дискурсив таҳлили миллатларнинг дунёқараши, оламни қабул қилишидаги ўзига хос хусусиятларни акс эттириши исботланган, бу эса испан тилини ўрганувчиларда миллатлараро компетенцияни шакллантиришга хизмат қилган;

поэтик дискурсида фойдаланиш хорижий тилларни ўқитишининг мазмун қисмига, таълим стандартларига, ўқув дастурлари ва дарсликларга интеграциялаштирилган;

испан миллати онгу-шуурнга сингиб кетган оламнинг лисоний ва концептуал манзаралари метафора ва метаметафоралар асосида очиб берилган;

Лорка поэтик дискурсида концептуал метафора ҳосил бўлиши механизми ўрганилган ҳамда миллий-маданий реалиялар таъсир натижасидаги метафорик моделлари аниқланган;

оламнинг лисоний ва концептуал манзараларини ёритишда Федерико Гарсиа Лорка поэтик дискурсидаги метафора ва метаметафоралар таҳлили испан менталитетига хос миллий-маданий жиҳатларни тушунарли ёритиш учун испан тили дарсликларида қўлланилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги** ишда фойдаланилган назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олинганлиги, қўлланган ёндашув ва усуллар жорий этилганлиги, танланган манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иснан поэтик дискурсининг лингвокогнитив ва лингвокультурологик хусусиятлари, испан менталитетига хос оламиинг миллий ва лисоний манзарасини ўрганиш ҳамда Федерико Гарсия Лорка ижодини таҳлил этиш асосида метафора ва метаметфоралар қўлланилишининг концептуал хусусиятларига оид фикр-мулоҳазалар билдирилганлигин, олинган илмий хулосалар келгусида бошқа дискурсга оид тадқиқотларнинг миллий-маданий хусусиятларини лингвокогнитив ва прагматик аспектда чуқурроқ ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти “Тил назарияси”, “Замонавий лингвистика”, “Лексикология”, “Стилистика”, “Испан адабиёти” каби фанларни ўқитишда, семинар ва махсус курслар ташкил қилишда аҳамиятли манба сифатида қўлланилиши, шунингдек, тадқиқот натижалари икки тилли ва изоҳли ноэтик дискурс луғатларини яратишда, поэтик дискурсининг ўзига хос лисоний, лингвокогнитив ва лингвокультурологик хусусиятларини илмий-назарий асосда очиб беришда, турли методик тавсияномалар тузишда, олий ўқув юртларида бакалавр ва магистрлар учун испан тилидан ўқув қўлланмалар, дарсликлар ёзишда фойдали манба бўлиб хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши.** Федерико Гарсия Лорка поэтик дискурсини ўрганиш давомида эришилган илмий натижалар допрасида:

Федерико Гарсия Лорка поэтик дискурсида қўлланган концептуал метафоралар тўғридан-тўғри иснан турмуш тарзига сингиб нарса-предметлар ва уларнинг элементлари орқали ифодаланишига оид хулосалардан ИТД-1-107 “Хорижий (испан, француз, немис) тиллар бўйича ўқитувчи кадрлар ва мутахассис-филологлар тайёрлайдиган олий таълим муассасаларида узвийлик ҳамда узлуксизликни таъминловчи, ўзбек реалияларини акс эттирувчи ўқув-услубий мажмуалар ва уларнинг электрон версияларини яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 15 февралдаги 89-03-931-сон маълумотиомаси). Натижада таклиф этилган материаллар бакалаврият босқичининг “Español-2” дарслиги такомиллашувига ва талабаларда метафора ва метаметафоранинг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари бўйича билимларини оширишга хизмат қилган;

Федерико Гарсия Лорканинг ноэтик дискурсида метафора ёрқин миллий-спецификлиги, унинг пайдо бўлиш тамойили эса кўп жиҳатдан муайян метафорик моделларга асосланганлигин ҳақидаги хулосалардан Саламанка университети филология факультетида хорижий мутахассисларни ўқитиш жараёнида фойдаланилган (Испаниянинг Саламанка университети 2019 йил 10 декабрдаги 65/572-сон маълумотномаси). Натижада дарсларда фойдаланилган материаллар машғулотлар чоғида мутахассисларга назарий ва амалий ишланмалар учун манба бўлиб хизмат қилган, уларнинг илмий тасаввур-тушунчалари бойишига эришилган;

Федерико Гарсиа Лорка поэтик дискурсида қўлланган метафора ва метаметафораларнинг испан менталитетига хос стереотиплар ҳамда шоир индивидуал-муаллифлик шахсияти когнициясига бевосита алоқадорлиги ҳақидаги хулосалардан “Practicas de autoaprendizaje” дарслигидаги “Práctica de investigación básica” ва “Práctica de crear proyectos, informes y tesis” мавзуларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 27 мартдаги 603-сон буйруғи, нашр гувоҳномаси №603-134). Натижада испанлар оламининг миллий-маданий манзараси ва шоирнинг дунё ҳақидаги индивидуал-муаллифлик олами манзарасини ёритувчи ашёвий материаллар талабалар билимини кенгайтиришга хизмат қилган;

Федерико Гарсиа Лорка поэтик дискурсида *amor* (муҳаббат) ва *muerte* (ўлим) метафораларининг когнитив маъноси таҳлили асосида испан менталитетига хос олам лисоний манзарасининг лингвистик хусусиятларидан Мексика Давлат Автоном университети томонидан ташкил этилган онлайн курс машғулотларида фойдаланилган (Мексика Давлат Автоном университетининг 2021 йил 3 майдаги 800-сон маълумотномаси). Натижада тингловчиларга Федерико Гарсиа Лорка шеърийтининг концептуал метафорик призмаси, хусусан, “муҳаббат” ва “ўлим” концептуал метафораларини чуқурроқ тушунишга хизмат қилган;

Ўзбекистон ва Испания халқлари миллий маданияти, араб сўзларининг ҳар икки тилдаги талқини ва буюк испан шоири Федерико Гарсиа Лорка асарларидаги испан менталитети ва лисоний шахсининг ёрқин ифодаси ҳақидаги тадқиқотда келтирилган илмий-назарий фикрлардан Бухоро вилоят телевидениесининг “Адабий муҳит”, “Ассалом, Бухоро”, “Шеърият гулшани”, “Менга сўз беринг” кўрсатувлари сценарийларини тузишда фойдаланилган (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2021 йил 13 февралдаги 160-сон маълумотномаси). Натижада фойдаланилган материаллар ушбу дастурлар мазмунини бойитган, уларнинг мазмуни икки хил тил ва маданиятга оид янги маълумотлар билан такомиллашган, хусусан, испан халқининг менталитети Федерико Гарсиа Лорка асарлари призмасида яққол намоён бўлишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 11 та илмий конференция, шу жумладан 5 та республика ва 6 та халқаро анжуманда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси доирасида жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 132 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва ирредмети шакллантирилган, ишнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти кўрсатиб берилган.

Ишнинг “**Ҳозирги лингвистик тадқиқотларда метафора эпистемиологик моҳиятининг очиб берилиши**” деб номланган биринчи бобида метафора фалсафий ва лингвистик тадқиқотлар объекти, когнитив тилшунослик назарияси ва инсон билиш фаолиятининг лингвистик акси сифатида ва унинг шеърӣ нутқ майдонида ишлаши тадқиқ этилган.

Метафора назарияси Арасту томонидан бошланган ва шу тариқа икки минг йилдан кўпроқ вақтдан бери бу соҳада тадқиқотлар олиб борилади. Г.Скляревская “Тил тизимидаги метафора” китобида Арастудан бошланиб то XX асргача ривож тонган метафора “тилнинг коммуникатив, номинатив ва когнитив мақсадлари учун зарур бўлган ажралмас қисм”<sup>8</sup> сифатида қараш шаклланишини таъкидлайди.

Риторика муаммоси бўлган метафора кейинчалик тилшуносликка кўчди. Шу билан метафоранинг қиёсий концепцияси пайдо бўлди, яъни метафора яширин таққослаш феномени сифатида лисонга тақдим этилди. Қиёслаш назариясида у икки ёки ундан ортиқ объектни ўхшатишни ўз нчига олади.

XX асрда тилшуносликда янги йўналишларнинг ривожланиши фонида метафорага ўзига хос тафаккур феномени сифатида қаралиши когнитив фанга асос яратди. Когнитив илм-фан нуқтаи назаридан кўриб чиқилган метафора асосий билиш жараёнини акс эттирадиган лисоний ҳодиса сифатида тилшуносликка тақдим этилди. А.Барановнинг сўзларига кўра, метафора онг, тафаккур ва тил феноменидир<sup>9</sup>. Метафорани кўриб чиқишининг когнитив ёидашув доирасида ўрганган А.Чудинов бу лисоний ҳодиса сўзнинг иккита маъносини боғловчи образли восита эмас, балки иккита тушунчавий соҳани бирлаштирадиган ва янги соҳани концепциялашда манба-соҳани шакллантириш салоҳиятидан фойдаланиш имкониятини берувчи асосий *онг операцияси* деб атайди<sup>10</sup>. Юқорида келтирилган фикрлар метафора шаклланишининг натижаси – янги концептуал тизими фанга намоиш этди. Д.Ашурованинг фикрича, бадиний матндаги когнитив метафора концептуал маълумот билан боғлиқ<sup>11</sup> ҳолда шаклланади. Метафора бадиний матн парадигмасида муҳим ўрин тутади. ундаги матн метафорик майдонидаги калит сўз бўлиб хизмат қилиши мумкин. А.Юлдашев концептуал метафорани

<sup>8</sup> Скляревская Г.Н. Метафора в системе языка. – СПб.: Изд.-во Наука, 1993. – С.6.

<sup>9</sup> Баранов А. Н. Метафорическая интерпретация понятия «коррупция»: языковые грани онтологизации бессознательного // Текст. Интертекст. Культура: сб. докладов международной научной конференции (Москва, 4-7 апреля 2001 г.) – М.: Азбуковник, 2001. – С. 572 -593.

<sup>10</sup> Чудинов А. П. Россия в метафорическом зеркале: когнитивное исследование политической метафоры (1991-2000) // [http://www.executive.ru/community/card\\_10701/30k](http://www.executive.ru/community/card_10701/30k) (26 июня 2004).

<sup>11</sup> Ашурова Д.У., Галиева М.Р. Stylistics of literary text. – Ташкент, 2013. – 37 с.



идиоматик кўшма сўзларни шакллантиришдаги муҳим механизм деб ҳисоблайди<sup>12</sup>.

Ҳозирги испан тилшунослигида метафора когнитив тилшунослик нуқтаи назаридан А. Бертран, М. Кандида Медрано, Х.Нубиола каби олимлар томонидан ўрганилган. Улар инсон тафаккурига хос жараёиларнинг барчаси асосан метафора билан боғлиқ деб ҳисоблайдилар.

Метафора, аввало, олам/воқелик ҳақида фикрлашнинг оғзаки услубидир. Метафоранинг эиг аниқ концептуал назарияси Ж.Лакофф ва М.Жонсон томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу назарияга кўра, концептуал метафора жараёнида *source domain* (манба майдони) ва *target domain* (нишон майдони) ўртасидаги ўзаро проекцияланиш (кўчирилиш) ҳосил бўлади. Бошқача айтганда, метафора икки когнитив майдон (X – нишон майдони ва Y – манба майдони) ўртасидаги проекция сифатида аниқланади. Қисқаси, X = Y деб ёзсак, бунда X нинг Y маъносида тушунилишини билдиради.

Бу олимлар “Биз яшайдиган метафоралар”<sup>13</sup> китобида уч хил концептуал метафорани ажратиб кўрсатдилар: структуравий, ориентацион, онтологик. *Структуравий метафора* деганда, “метафорик жиҳатдан бир тушунчанинг бошқа терминда тузилган ҳолати”<sup>14</sup>, яъни битта тушунча бошқа терминда проекцияланадиган метафоралар тушунилади. Масалан, вақт билан боғлиқ баъзи метафоралар:

*EL TIEMPO ES DINERO:*

*Me estás haciendo perder el tiempo.*

*Con este invento podemos ahorrar mucho tiempo.*

*Perdí mucho tiempo por no saber qué hacer.*

Бир тушунча тузилиш жиҳатидан бошқасига нисбатан метафора ҳосил қилганда ёки бутун бир тушунча бошқасига кўчгандаги структуравий метафоралардан фарқли метафоранинг яна бир турини Ж.Лакофф ва М.Жонсон *ориентацион метафоралар* деб номлашди, чунки бу тушунчаларнинг аксариятиниинг моҳияти борлиқдаги қарама-қарши йўналишлар билан боғлиқ, масалан, “*юқори – пастки*”, “*ичида – ташқарида*”, “*олд томони - орқа томони*”, “*чуқур – саёз*”, “*марказий – периферик*” каби. Масалан:

*FELIZ ES ARRIBA/ TRISTE ES ABAJO:*

*Estaba tan contenta que tocaba el cielo con las manos.*

*Cuando pienso en él siempre me ayuda a levantarme.*

*Estoy hundiéndome por esta tragedia.*

*Mi moral cayó por los suelos.*

Концептуал метафоранинг учинчи тури *онтологик метафора* ҳисобланади. Ж.Лакофф ва М.Жонсонлар таъкидича, одамларнинг оламдаги йўналишлардан олган тажрибаси натижасида ориентацион метафоралар яралса, бизнинг жисмимиз ва руҳиятимизга таъсир натижасида онтологик

<sup>12</sup> Юлдашев А.Г. Cognitive aspect of the uzbek idiomatic words and their equivalents in English. Philology Matters: Vol. 2019: Iss. 2, Article 2. – p. 77-85.

<sup>13</sup> Дж.Лакофф, М.Джонсон. Метафоры, которыми мы живём. – М.: УРСС Эдиториал, 2004. – 256 с.

<sup>14</sup> Дж.Лакофф, М.Джонсон. Там же. – 256 с.

метафора, яъни воқелик, ҳаракат, ҳиссиёт, ғоя ва ҳ.к.ларни нарса-предметлар сифатида талқин этиш учун асос бўлиб хизмат қилади<sup>15</sup>. Масалан, *la mente es una entidad* метафораси Испания маданиятида қуйидагича намоён бўлади:

<i>LA MENTE ES UNA MAQUINA</i>	<i>LA MENTE ES UN OBJETO FRÁGIL</i>
<i>Voy a perder el control.</i>	<i>Su cerebro estalló.</i>
<i>Ponte las pilas.</i>	<i>Tiene una salud mental muy frágil.</i>
<i>Mi cerebro no funciona hoy.</i>	<i>Hay que manejarlo con cuidado desde la muerte de su mujer.</i>

*La mente es una maquina* метафораси объектларнинг ҳар хил турларини белгилаши мумкин. Ушбу метафора бизни ақлни худди иш ҳолатидаги каби тасаввур қилишга мажбур қилади, яна бир метафора *la mente es un objeto frágil* эса онгни синувчан, хавф ва ҳоказо каби бошқа оқибатларга олиб келадиган мўрт нарса сифатида тақдим этади.

*Метафоранинг антропоцентриклик тамойили* ҳам аҳамиятга молик. Метафора – бу одам билимининг концептуал даражада англаш борасидаги жисмоний, ҳиссий ва ўта сезгирлик қобилияти билан боғлиқ бўлган когнитив ҳодисадир. Ҳиссий даражада қабул қилинган образларни тавсифловчи мавҳум семаптикага оид сўзларнинг мослигини таҳлил қилиш орқали метафоранинг когнитив ролини тушуниш мумкин, бу тилда шартли равишда “метафорик” сўзлар деб номланган birlikларни пайдо қилади.

Метафора ва ҳиссиётлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик метафоранинг антропоцентрик тамойилини тасдиқлашнинг муҳим кўрсаткичидир, масалан, Лорка ижодидаги *Гитара йигиси ёки Қайғунинг биллур қўнғироғи* каби. Туйғулар – бу инсонининг ўзига ва униинг атрофида содир бўлаётган воқеаларга муносабатини акс эттирувчи руҳий ҳолат, бу асосан инсонга хос бўлган мураккаб тизимлар уюшмаси. Поэтик нутққа хос бўлган антропоцентриклик ўзини бир қатор ҳодисалар орқали намоён қилади, улар орасида муаллиф-ижодкорнинг *олам лисоний манзараси* ҳақидаги тасаввурлари етакчи ўринни эгаллайди. Поэтик нутқ, бошқаларга қараганда кўпроқ *автоцентриkdir* ва лирик “мен”, қоида тариқасида, поэтик нутқнинг концептуал маконидаги долзарб жиҳатлардан биридир. Шахсий-хусусий маъноларни ифодалаш учун поэтик нутқ тили янги воситаларни ривожлантиради, улар орасида оламнинг индивидуал-муаллифлик манзарасини бойитувчи янги концептларни бунёд этиш имконини берувчи троплар ёрқин ажралиб туради. Трон, бизнинг ҳолатимизда метафора, маърузачининг мақсадлариға қараб поэтик тушунчаларни тузиш воситаси бўлиб хизмат қилади, шунинг учун у ҳар доим муаллиф ғояси ва шахсиятиниинг миллий ўзига хос лисоний маданияти билан боғлиқдир. Масалан, биз Лорка матнларидан ҳар доим ёрқин, оригинал метафоризацияни кутамиз.

Тадқиқотимизда ноэтик дискурс деганда, биз Лорка асарларини назарда тутамиз ва бунда муаллиф томонидан ўз асарлари тилида шахсий қабул қилиш призмаси орқали акс эттирилган оламнинг иснан лисоний

<sup>15</sup> Дж.Лакофф, М.Джонсон. Метафоры, которыми мы живём. – М.: УРСС Эдиториал, 2004. – 256 с.

манзараси ҳамда концептуал манзарасига хос хусусиятларга эътибор қаратамиз.

Поэтик матн маълум бўлган нарсаларни бошқача англаш усулини яратади. Лириканинг мавзулари кўп эмас, аммо унинг ўзига хос хусусияти шундаки, чет тилидаги шоирларга тегишли бўлган матнларда кўпинча ўқувчи учун ҳақиқатдан «янги» маълумотлар мавжуд ва чет тилидаги шоирни ўқиётганда доимо пайдо бўладиган *эстетик интерференция* ҳодисаси ҳақида унутмаслик керак.

*Эстетик интерференция* – бу чет тилдаги матн билан учрашганда ўқувчида беихтиёр пайдо бўладиган идрокнинг муҳим хусусияти. Масалан, Испания маданияти, тарихи ва урф-одатлари билан етарли даражада таниш бўлмаган ўқувчи, Федерико Гарсиа Лорканинг шеърларини ўқиётганда, табиийки, матний охиригача тушунмаслиги мумкин. Бунинг сабаби шундаки, ўқувчи асарни эгаллаган билими доирасида тасаввур қиладиган визуал образлар, ўз она маданияти ва тили призмаси таъсирида вужудга келган ғояларни таҳлил этишга ҳаракат қилади, аммо Лорканинг баъзи фикрлари унинг маданиятида қабул қилинган стереотипларга тўғри келмаса, унда образли тасаввур ҳосил бўлмайди. Масалан, “Gráfico de la petenera” (“Петенера сояси”) метафорик ном остидаги лирик туркумда “Danza” (“Рақс”) шеъри иккинчи метафорик “En el huerto de la petenera” (“Петенера боғида”) номига эга<sup>16</sup>. “Петенера” сўзи бошқа тилда сўзлашадиган ўқувчи учун ғайриоддий; шарҳсиз бу сўзни идрок қилиш маълум даражада мураккаб ҳисобланади. Аслида бу афсонавий лўлилар хонандаси<sup>17</sup> номи билан аталган “канте-хоидо”нинг (гитара чалиб ижро этиладиган Андалусия халқ кўшиги, ижрочидан ҳиссий зўриқишни талаб қилади)<sup>18</sup> бпр тури. Ўқувчи шуни тушунсагина, нутқининг ўзига хос товушларини хаёлий образга айлантприши мумкин. Тушунмасдан ўқиганда бошқа миллатга мансуб асар бошиданок “ўзиники” эмас, балки “бегона” матн сифатида қабул қилинади, оқибатда эстетик интерференция кучли бўлади.

*Метаметафора* – бу чуқур фалсафа билан тўйинган метафоранинг ўзига хос тури, кўпинча уни махсус билимлар ёрдамидагина тўлиқ тушуниш мумкин. Биринчи бўлиб “метаметафора” атамасини қўллаган К.Кедров, бу тушунчани шундай метафора деб тушунадик, унда “ҳар бир нарса-предмет кўламини ўзгартириб, каттароқ нарса-предметларда мужассамлашган ҳолда олам, коинотга меиғзалади, инсон эса ҳамма нарсани кузатувчи бўлиб қолади”<sup>19</sup>. О.Воробьёва метаметафорани метафора ҳақидаги метафора деб тушунади. Муаллиф фикр-мулоҳазаларининг моҳияти шундаки, муайян метафорага яна бошқа, муаллифга хос оригинал метафорик тасвирлаш бприктприлади, яъни муаллиф метафораси ёрдамда аввалги метафоранинг асосий хусусият ва функцияларини тушунтириш, кенгайтириш орқали

<sup>16</sup> Федерико Гарсиа Лорка. Песня хочет стать светом. – СПб.: Азбука-классика, 2004. – С.76-79.

<sup>17</sup> Федерико Гарсиа Лорка. Там же. – С.288

<sup>18</sup> Федерико Гарсиа Лорка. Там же. – С.287.

<sup>19</sup> Кедров К.А. Компьютер любви: Стихотворения и поэмы / К. А. Кедров. – М.: Московская типография, 1990. – С. 6.

метаметафоралар шакллантирилади<sup>20</sup>. С.Коринь ўз асарларида метаметафорани бадиний матнда ўрганиб чиқди<sup>21</sup>. Бироқ, бугунги кунда метаметафоранинг испан поэтик дискурсидаги муҳим аҳамияти, унинг испан лисоний манзарасини ифодали-тасвирий воситалар билан акс эттиришдаги хусусиятлари фундаментал тадқиқ этилмаган. Шу боис мазкур масала ушбу диссертацияда Ф.Г. Лорка шеърлари материалида ўрганилди, таҳлил ва тавсиф қилинди.

Иккинчи боб **“Метафора ижодкор лисоний шахсининг олам концентуал манзарасини акс эттиришдаги поэтик воситаси сифатида”** деб номланган ва метафорани ўрганишга антропоцентрик ёндашув доирасидаги тушунчалар кўриб чиқилган. Антропоцентрик лингвистиканинг марказий тушунчаси – лисоний шахс, шунингдек, у билан боғлиқ миллий-маданий специфика ҳамда оламнинг лисоний ва концентуал манзараси шулар жумласидандир.

Муаллифнинг шахсиятига маълум маданий салоҳият, дунёқараш ёки ҳаётий тажрибага эга бадиний фаолият субъекти сифатида диққат билан эътибор бериш, *лисоний шахсининг миллий-маданий ўзига хослиги* тушунчасини шакллантириш заруратини юзага келдирдики, у турли маданиятларнинг энг нозик психологик фарқларини акс эттиради. Оламнинг миллий манзарасидаги фарқларни умуммиллий тушунчалар мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин, улар нутқда оғзаки равишда намоён бўлиб, маълум бир маданиятга хос метафора тизимини ҳосил қилади, бу шунингдек алоҳида ижодкор бадиниятида метафораларнинг ранг-баранг бойлигини яратади.

Шу тариқа, замонавий испан тили ва шеърляти (хусусан, Ф.Г.Лорканинг поэтик дискурси) бизга тил ва адабиётда акс эттирилган мамлакатдаги лисоний вазиятнинг ўзига хос бетакрорлигини акс эттирувчи энг ёрқин мисоллардан. Унинг моҳиятини тўлиқ тушунишда ўқувчиларнинг кенг қатламлари у ёки бу даражада зуллисопайп ёки кўп тилларни билиши керак.

Испан адабий тилининг шаклланиши ҳақида ганирганда, албатта, нафақат тил, балки, авваламбор, Испания маданияти, айниқса, Андалусия тил ва маданиятга сезиларли таъсир кўрсатган араб ва лўлилар урф-одатлари ҳақида сўз юритмаслик мумкин эмас. Лорканинг фикрича, Андалусияга етиб борган лўлилар маҳаллий қўшиқларнинг энг қадимги элементларини ўзлари олиб келган қадимийлик билан бирлаштирдилар ва *“канте хондо”* деб номланган жанрга яқиний гўзал шакл бердилар.

Метафоранинг пайдо бўлиш параметрлари ҳам лисоний шахс билан боғлиқ. Биз ўрганаётган шахсият испан маданиятига мансуб бўлганлиги сабабли, матнда ушбу миллатга хос метафора хусусиятлари устунлик қилади. Жумладан, Т.Дроздов Диез: *“El modelo cultural, propio de una nación que constituye una comunidad lingüística particular, asociado a la finalidad pragmática*

<sup>20</sup> Воробьева О.П. Метафори про метафору: дидактичний сценарій // Записки з романо-германської філології. – 2010. – № 25. – С. 76–83.

<sup>21</sup> Коринь С.Н. Метаметафора и пространство-время в немецкоязычном художественном дискурсе // Науковий Вісник Волніського національного університету імені Л. Українки. Філологічні науки. – 2012. – № 24 (249). – С. 69–73.



del texto son los condicionantes que determinan la selección de medios lingüísticos empleados por el autor y permiten una comprensión completa de la información conceptual del discurso”<sup>22</sup> дея таъкидлайди. Масалан, Ф.Г. Лорка “*Con flores de calabaza / la nueva luz se corona*” (Мазмуни: *Цветами тыквы новый свет коронуется*)<sup>23</sup> деганда, у шунчаки турли хил мантикий тоифаларга мансуб сўзларни ишлатмайди. Бу ерда ган ҳақиқий нарсалар ҳақида эмас, балки онгда пайдо бўладиган предметлар тасвири ҳақида кетяпти. *Қовоқ гулларининг ранги тўйинганлиги сабабли сариқдан кўра тўқ сариқ рангга яқин (испанларнинг ёрқин рангларга иштиёқи баланд)*. Ошқовоқдан тайёрланган таомлар эса Испания ошхонаси учун анъанавий ҳисобланади, шунинг учун Лорканинг тонгни қабул қилиши учун миллий таомларни тайёрлашда муайян рол ўйнайдиган ўсимликининг ёрқин гуллари ҳал қилувчи ўрин тутган. Янониялик қуёш чиқишини сакура гуллари орқали, молдаван эса, эҳтимол, маккажўхори бошоқлари орқали тасвирлайди.

Учинчи боб “**Федерико Гарсиа Лорканинг ноэтик дискурсида метафоранинг индивидуал ташкил этилиши**” деб номланган ва метафораларни ҳосил қилиш ҳамда метаметафоралар маъносига оламнинг миллий-маданий манзараси таъсири ва уларни Лорка шеърлятида тадқиқ этишга бағишланган.

Лорка шеърлятининг феноменал муваффақияти сирининг “калитлари”дан бири айнан метафорада мужассам бўлиб, семантик жозибадорлиги нафақат шеърлар контекстининг ўзида, балки умуман иснан маданиятини очиб беришда ҳам кўрилади.

Метафорани бошқа турдаги тронлар устига жойлаштирилиши, бу уларни мураккаблаштириб, таъсир доирасини кучайтиради. Масалан, Лорка шеърлятида метафора кўпроқ ўхшатиш билан бирга қўлланилади:

*El riñal, / entra en el corazón, / como la reja del arabo / en el yermo. El riñal, / como un rayo de sol, / incendia las terribles hondonadas; Кинжал / острым лезвием / в сердце войдет / как входит плуг / в выжженный луг. Кинжал / словно солнечный луч, зажжет / колеблемую волну, души моей глубину (“Риñал”, “Кинжал”)*<sup>24</sup>

Федерико Гарсиа Лорканинг ноэтик мероси контекстида нафақат метафоранинг ўзи, балки унинг бадиий образ яратишдаги роли ҳам қизиқарли. Масалан, қуйидаги функцияларни кўриб чиқайлик. Демак, Лоркада метафора: *Su cuerpo lleno de lirios / y una granada en las sienes – Ego тело наполнено лилиями и лоб расцветает гранатом. (“Reyerta” – “Схватка”)*<sup>25</sup>, контекстдан ташқари ўқувчига тақдим этилганида, бу мисра унга ассоциатив равишда (католицизм устун рол ўйнайдиган Испания маданияти билан танишган ҳолда) Масихнинг азобланишини эслатади. Бу ердаги гуллар нафақат азобли қатлга учраган одамнинг териси оқлигини

<sup>22</sup> Drosdov Díez T. La personalidad lingüística y el análisis del texto. Reflexiones en tomo de una experiencia docente // Eslav. Complut. 2003. – P. 270.

<sup>23</sup> Федерико Гарсиа Лорка. Песня хочет стать светом. – СПб.: Азбука-классика, 2004. – С.156–157.

<sup>24</sup> F.G. Lorca. Sólo un caballo azul y una madrugada. – Barcelona.: Vegar, 2004. – P.137.

<sup>25</sup> Федерико Гарсиа Лорка. Песня хочет стать светом. – СПб.: Азбука-классика, 2004. – С.140.

таъкидлайди, балки инсоният гуноҳлари кечирилиши учун хочга михланган айбсиз Нажоткорга ишора қилиб, поклик ва айбсизликнинг анъанавий рамзи сифатида намоён бўлади; Масихнинг пешонасига қўйилган тиканли тожи унинг пешонасини ярадор қилди ва бу жароҳатлар Лорка тушунчасида ушбу мамлакат ҳудудида ўсадиган мевали дарахт – анорнинг кесилган мевасига ўхшатилади.

Лорканинг одатий баҳоловчи-эксирессив метафораларидан тўғри фойдаланиш учун тилнинг аксиологик механизмларини билиш муҳимдир, чунки хабарнинг коммуникатив маъносини кўпинча фақат оламнинг миллий аксиологик манзараси билан боғлиқ баҳоловчи маънолар призмаси орқали англаш мумкин.

Жисмоний объектлар билан боғлиқ бўлган тажрибага оид маълумотлар Лорканинг поэтик нутқида жуда кўп турли хил концептуал метафоралар учун асос бўлиб хизмат қилади. Улар бошқа нарса-ҳодисалар призмаси орқали одамлар, ҳайвонлар, воқелик ҳодисаларини ифодалаш хусусиятларини акс эттиришнинг ўзига хос усулларини ифодалайди.

Лорка томонидан гитара чалиш каби жонли миллий ҳодиса миллий ҳаёт объектларини англлатувчи сўзлар талқинида метафора билан изоҳланади. Масалан, гитара торларини ифодалаш учун у қуйидаги концептуал метафорадан фойдаланади: *cinco espadas* (пять кинжалов). Масалан: *¡Oh guitarra! / Corazón malherido / por cinco espadas – О, гитара, / бедная жертва / пяти проворных кинжалов!* (“*La Guitarra*” – “Гитара”)<sup>26</sup>. Ушбу концепцияда семантик бирликнинг тўғри маъноси «аниқ функционал мақсадлар учун хизмат қилувчи характердаги тигли кесувчи ирредмет» билан боғлиқ. Ушбу нарсаларнинг нисбатан кичиклиги, ихчам шакли турли хил утиллар ва амалий мақсадларга самарали эришишга ёрдам беради. Шундай қилиб, ханжарни уй-рўзгор буюмлари сифатида ишлатиш мумкин – маҳсулотларни кесиш учун (афсоналарга кўра, бугунги кунда таниқли Испания компанияси томонидан ишлаб чиқарилган “Arcos” ошхона пичоқлари тўпламлари айнан шундай пайдо бўлган); ханжар ёрдамида зич чакалакзорлар бўйлаб йўлни кесиб ўтиш мумкин; ниҳоят, ханжар қўл жанги учун, айниқса чекланган маконда ажралмас восита; совуқ куролини шарафловчи анъаналарда ҳатто сирли кучлар ҳам иштирок этиши ажабланарли эмас: *Ángeles con grandes alas / de navajas de Albacete – Ангелы, чье оперенье – / блеск альбасетской навахи* (“*Reyerta*” – “Схватка”)<sup>27</sup>. Ханжар қадимги даврларда ҳар қандай испанияликнинг доимий ҳамроҳи бўлган; миллий либоснинг ажралмас қисми, худди гитара севимли миллий мусиқа асбоби бўлгани каби. Гитаранинг йиғлаши мумкин бўлган ўзига хос руҳга эга бўлган жонзот сифатида шахсийлаштирилиши ҳам шундан: (“*Empieza el llanto / de la guitarra*” – “Начинается / плач гитары”). Лорка гитаранинг бир хилдаги ва ғамгин йиғисидан кейин уни қурбон сифатида

<sup>26</sup> Федерико Гарсиа Лорка. Песня хочет стать светом. – СПб.: Азбука-классика, 2004. – С. 56–57.

<sup>27</sup> Федерико Гарсиа Лорка. Там же. – С.140–141.

тасвирлайдиган метафора тасвирлайди – “*Corazón malherido*” (“Бедная жертва”).

Лорканинг концептуал метафораларида кўп жиҳатдан тегишли тушунчалар рационал тажриба иризмаси орқали англанишига ёрдам берувчи образларни мазмунап ажратиб кўрсатишга қаратилганки, бу тажриба оқиллик, асосланганлик ва мақсадга мувофиқликни ўзида мужассамлаштиради. Хусусан, Лорка кўпинча табиат ҳодисаларини ёки инсон фаолиятига оид ҳодисаларни бевосита испан турмуши предметлари орқали акс эттиришга интилади. Бундай метафораларнинг дастлабки маъполарини қуйидаги семантик формулалар билан ифодалаш мумкин:

1. ШАКЛИ ВА ЎЛЧАМЛАРИ МЎЛЖАЛЛАНГАН МАҚСАД БИЛАН БЕЛГИЛАНГАН КИЧИК ЎЛЧАМДАГИ ОБЪЕКТ: “КАМОН”, “ТОРЛАР”, “МУСИҚА АСБОБИ”:

*Como un arco de viola / el grito ha hecho vibrar / largas cuerdas del viento. – II упругим смычком, / крик ударил / по туго натянутым струнам, / и запела виола ветров (“El grito” – “Крик”)*<sup>28</sup>; *Mil panderos de cristal, / herían la madrugada – II ранили раннее утро / хрустальные бубны печали (“Romance sonámbulo” – “Сомнамбулический романс”)*<sup>29</sup>.

2. МАИШИЙ, САНОАТ, ДИНИЙ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК УЧУН ИШЛАТИЛАДИГАН ПРЕДМЕТ ЁКИ ОБЪЕКТЛАР: “ХАНЖАР”, “ОМОЧ”, “СИМЛАР”, “ЎРОҚ”, “КПРКА”, “ШАМДОН”, “ТЎР”, “ПИЧОҚ”, “ҚАЙЧИ”.

*De Sevilla a Carmona / no hay un solo cuchillo. / La media luna, corta, / y el aire pasa, herido; / ¡Ay muchacho, muchacho, / que las olas me llevan mi caballo! – От Севильи и до Кармоны / ножа не достанешь / Серп месяца режет воздух / и воздух уносит рану / Ах, парень, волна моего уносит коня! (“Canto nocturno de los marineros andaluces” – “Ночная песнь андалусских моряков”)*<sup>30</sup>; *Las piquetas de los gallos / cavan buscando la aurora. – Когда кирки петухов / из кремней высекают зорю. (“Romance de la pena negra” – “Романс о черной боли”)*<sup>31</sup> Лорка концептуал метафораларининг аксарияти келтирилаётган метафорик моделлар билан таърифланиши мумкин.

Аmmo маъноси жошли табиат объектларини белгиланган орқали ифодаланган метафоралар бундан мустаспо. Масалан: *La media luna, soñaba / un éxtasis de sigüeña - Впал в забытье полумесяц, / застыв, как дремлющий аист. (“Romance de la guardia civil española” – “Романс об испанской жандармерии”)*<sup>32</sup>; *El toro de la reyerta / se sube por las paredes - Неистовый бык раздора / кидается на обрывы; En la mitad del barranco / las navajas de Albacete, / bellas de sangre contraria / relucen como los peces - В чёрных глубинах ущелья / две альбасетских навахи, / красуясь вражеской кровью, / блестят, как рыбы, во мраке (“Reyerta” – “Схватка”)*<sup>33</sup>;

<sup>28</sup> Федерико Гарсиа Лорка. Песня хочет стать светом.– СПб.: Азбука-классика, 2004. – С.58–59.

<sup>29</sup> Федерико Гарсиа Лорка. Там же. – С.146–147

<sup>30</sup> Федерико Гарсиа Лорка. Там же. – С.278–279.

<sup>31</sup> Федерико Гарсиа Лорка. Там же. – С.144–145.

<sup>32</sup> Федерико Гарсиа Лорка. Там же. – С.160–161.

<sup>33</sup> Федерико Гарсиа Лорка. Там же. – С.140–141.

Шу тариха, Лорка поэтик дискурсидаги концептуал метафоралар ноёб тасвирий-ифодавий бирликлардан иборат, қайсики образли шаклда инсоннинг амалий ва маънавий интилишларини акс эттириб, аниқ мақсадларга эришишнинг ассоциатив жиҳатдан анланган усулларини намоён этади. Бунда шоир одамларнинг бой эмнирик ва амалий тажрибасига, шунингдек, миллий маданият томонидан тўпланган нарса-предметларнинг хусусиятлари ҳақидаги билимларга ҳам таянади.

Кўпгина халқлар олам манзарасида, шу жумладан испан тилининг лисоний манзарасида муҳаббат ва ўлим универсал тушунчалардан ҳисобланади. Ўта ҳиссиётлилиқ ва руҳий ҳолатнинг намоён бўлишидаги спонтанлик испан халқига хосдир. Испанларнинг ушбу миллий психологик хусусиятлари ҳам вербал, ҳам новербал алоқа воситаларида аниқ намоён бўлади<sup>34</sup>. Юқорида айтиб ўтилганларга асосланиб, “муҳаббат” (amor) ва “ўлим” (muerte) концепти испан этноси менталитетидаги қадриятлар ифодасида энг муҳим намуналаридан эканлиги кузатилди.

Хусусан, агар шеърият ҳақида ганирадиган бўлсак, муҳаббат мавзуси бунда ҳам ёрқин аксини тонган. Мисол тариқасида Гарсиа Лорканинг муҳаббат метафораларини кўриб чиқамиз. Миллий маданият спецификаси шоирга ҳиссиётлар соҳасида бир қадар эркинлик беради. Лорка табиат ҳодисалари ёки инсон фаоллигига оид воқеликларни Испаниянинг бой флора ва фауна дунёси орқали кўрсатишга ҳаракат қилади. Бундай метафораларнинг бошланғич маънолари қуйидаги метафорик модель орқали тасвирланиши мумкин: AMOR → CUERPO HUMANO = OBJETOS DE FLORA Y FAUNA (МУҲАББАТ → ИНСОН ТАНАСИ (КЎПИНЧА АЁЛ) = ФЛОРА ВА ФАУНА):

*En las últimas esquinas / toqué sus pechos dormidos, / y se me abrieron de pronto / como ramos de jacintos – Я тронул спящие груди / едва мы прошли селенье / соцветьями гиацинтов / они раскрылись в томленьи; Sus muslos se me escaraban / como peces sorprendidos, – Как рыбы в тесной корзине, / упругие бедра бились; Aquella noche corrí / el mejor de los caminos, / montado el potro de nácar / sin bridos y sin estribos – Я мчался по лучшей дороге / в ту ночь – то с горы, то в гору – / на молодой кобылице, / и ей не нужны были шпоры. (“La casada infiel” – “Неверная жена”)<sup>35</sup>*

Ўлим (muerte) концепти испан ҳаёти ва маданиятининг муҳим қисми ҳисобланади. Ушбу терминнинг қадри испанлар “ўлим” феномени билан боғлаган муқаддас маъно билан белгиланади. Лорка нафақат анъанавий севги-муҳаббат мавзусида, балки ўлим тасвирида ҳам янги-янги метафоралар тонган асл испан шоиридир. Лорканинг ижодида ўлим (muerte) метафораси юқорида тавсифланган метафорик моделга ўхшашдир:

<sup>34</sup> Фирсова Н.М. Современный испанский язык в Испании и странах Латинской Америки. Учебное пособие. – М.: АСТ: Восток-Запад, 2007. С.131–132.

<sup>35</sup> Федерико Гарсиа Лорка. Песня хочет стать светом. – СПб.: Азбука-классика, 2004. – С.150–153.



MUERTE → CUERPO HUMANO = OBJETOS DE FLORA Y FAUNA  
(ЎЛИМ → ИНСОН ТАНАСИ (КАМДАН КАМ ҲОЛЛАРДА) = ФЛОРА ВА  
ФАУНА):

*Su cuerpo lleno de lirios / y una granada en las sienas – Ego тело наполнено  
лилиями и лоб расцветает гранатом; Señores guardias civiles: / aquí pasó lo  
de siempre / Han muerto cuatro romanos / y cinco cartagineses – Синьоры  
жандармы, это / обычные приключения. / Погибло четверо римлян / и  
пятеро карфагенян; La tarde loca de higueras / y de rumores calientes / cae  
desmayada en los muslos / heridos de los jinetes – Сойдя с ума от смоковниц /  
от жгучих, странных звучаний / вечер упал, бездыханный, / прикнув к  
смертельной ране<sup>36</sup> (“Reyerta” – “Схватка”).*

Шоир ўзининг илк ва сўнгги асарларида муаллифлик метафораси  
яратишда металл ва ўлимни боғлаб жуда кўп ишлатган. “Канте Хоидо”  
поэмасида бу боғланиш асосан ўткир қурол – юракка санчилган ханжар  
шаклида тасвирланади: ЎЛИМ = СОВУҚ ҚУРОЛ. Масалан:

*El puñal entra en el corazón<sup>37</sup>, Viento del Este; un farol y el puñal en el  
corazón<sup>38</sup>, Por todas partes yo veo el puñal en el corazón<sup>39</sup>, Muerto se quedó en la  
calle con un puñal en el pecho<sup>40</sup>*

Лорканинг юқорида келтирилган муҳаббат ва ўлим метафораларининг  
метафорик моделлари инсон томонидан ҳиссий тажриба ва ўлим сирини  
очишга уринишлар саноқсиз эканлигини яққол намойиш этади. Инсон  
танасининг хусусиятларини англаш ва уларни поэтик тилда атрофдаги  
иредметлар ва ҳодисалар воситасида акс эттириш, инсониятнинг бутун  
амалий тажрибаси Лорка поэтик дискурсидаги оламнинг испан лисоний  
манзараси негизида мужассам. Юқорида келтирилган мисоллар унинг  
шеъриятида умуман ҳиссий ва эстетик мазмун ўзаро чамбарчас боғлиқлигини  
кўрсатишга қаратилган.

Шахснинг антропоцентрик фикрлаш тамойилини ҳисобга олган ҳолда  
шунини таъкидлаш керакки, антропоморфик метафора тузилишида инсон онг-  
шуури асосий рол ўйнайди. Лорканинг поэтик дискурсида кўплаб  
антропоморфик концептуал метафоралар қўлланган бўлиб, уларда жонсиз  
табиат ҳодисаларини тавсифлашда киши характери, ҳолати ва танаси каби  
инсоний хусусиятлар қамраб олинади, уларга ҳаттоки геидер белгилар ҳам  
сингдирилади. Масалан, баъзи метафорик моделларни ажратиб кўрсатиш  
мумкин: *lluvia – paz, estrella – armonía, luna – muerte, viento – furia* (ёмғир –  
хотиржамлик, юлдуз – уйғунлик, ой – ўлим, шамол – газаб).

Шунингдек, Лорка шеъриятида биз метаметафорани шоир  
дунёқарашини акс эттирувчи восита сифатида белгиладик. Метаметафора  
учун “муҳим тасвирий асос нафақат тил, балки логос – янада кенгрок  
тушунча асоси бўлиб хизмат қилади. Бунда контекст, маъно ёки тилда

<sup>36</sup> Федерико Гарсиа Лорка. Песня хочет стать светом. – СПб.: Азбука-классика, 2004. – С. 140–143.

<sup>37</sup> F.G. Lorca. Sólo un caballo azul y una madrugada. – Barcelona.: Vegap, 2004. – P.137.

<sup>38</sup> F.G. Lorca. Там же. – P.138.

<sup>39</sup> F.G. Lorca. Там же. – P.138.

<sup>40</sup> F.G. Lorca. Там же. – P.139.

охиргача шаклланмаган ҳис қилиш структураси бирламчидир”<sup>41</sup>. Метаметафорани схематизация қилиш ёки муайян семантик формулага қўйиш мумкин эмаслиги ҳам шундан. Метаметафора тадқиқотчи олдида ҳам троп (матидаги метафора), ҳам бутун матн сифатида намоён бўлади, агар уни таркибий қисмларга бўлсак, у ўзининг асл маъносини йўқотади.

Ф.Г.Лорка метафоранинг маънолари ҳаётнинг икки соҳаларидан бирига аниқ тортилади: “олам/воқелик” ва “инсон/оламга муносабат”. Бу соҳаларга шунингдек “вақт”, “Коинот” ва “воқелик ва ирреаллик ўртасидаги шоир” тушунчалари ҳам тегишли. Бу каби соҳаларга ушбу тортилиш сигнал сифатида талқин қилиниши мумкин: Лорканинг дунёқараши асосида инсон ва Коинот бирдамлиги ва Абадият ўртасидаги боғлиқлик, инсоннинг яқун топаднган ҳаёти ва коинотнинг сўнгсиз мавжудлиги ўртасидаги нафис диалектик алоқа борлиги тўғрисидаги тасаввур мужассам. Инсоннинг ички дунёси – унинг қалби. Ташқи дунё – бутун Коинот ҳисобланади. Кўпинча Лоркада мураккаб сўзлар тўнлами метафорик жиҳатдан юлдузли осмон харитасини англатади:

### *El Diamante*<sup>42</sup>

*El diamante de una estrella  
ha rayado el hondo cielo,  
pájaro de luz que quiere  
escapar del universo  
y huye del enorme nido  
donde estaba prisionero*

*sin saber que lleva atada  
una cadena en el cuello.  
Cazadores extrahumanos  
están cazando luceros,  
cisnes de plata maciza  
en el agua del silencio.*

*El diamante de una estrella* (Олмос – бу бир юлдуз), қайсики “нурдан яралган қуш бўлиб коинот зиндонидан” учиб кетди, – бу серҳашам метафора кометанинг космик макон – “улкан қуш уяси” даги нарвозини тасвирлайди; “*Cazadores extrahumanos*” бу ҳолатда ушбу метафора, Орион – мифологик самовий овчи юлдуз туркумини ва сайёраларни ов қилувчи Ўқотар юлдуз туркумини англатади, қайсики *luceros cisnes de plata maciza* метафораси орқали акс эттирилган; *el agua del silencio* метафораси эса коинотни англатади.

Лорканинг вақтни қабул қилиши ҳам оддий инсонга хос эмас, чунки оддий инсон учун бизнинг онгимизда шаклланган уч таркибли вақт: *ўтмиш* – *келажак* – *ҳозирги пайт* одатий ҳолат ҳисобланади. Вақт йўналишларини абсолютлаштириш Лорка метафораларида қайта мушоҳада қилинади. Агар унинг бадиний маконида ички ва ташқи тушунчалар нисбий бўлган реал соҳалар мавжуд бўлса ҳам, унинг вақт тушунчасида ўтмиш-келажак-ҳозирги найт йўналишлари худди шундай нисбийлик касб этади. Лорка бизнинг эшитиш қобилиятимиз учун ғайриоддий бўлган “ўтмиш-келажак” ёки “келажак-ҳозирги вақт”, ёки “ҳозирги вақт – ўтмиш” каби ҳолатларни моделлаштиради. Шоир уларни ягона бирликка ҳам бирлаштира олиши мумкин. Лорканинг жонли ва ранг баранг метафораларида вақт ўзгариши

<sup>41</sup> Аристов Владимир. Заметки о "мета" // Арион. Групповой портрет. – 1997. – №4. – С. 48–60 (<http://www.vavilon.ru/texts/aristov2.html>).

<sup>42</sup> Федерико Гарсиа Лорка. Песня хочет стать светом. – СПб.: Азбука-классика, 2004. – С. 20–21.

кийин бўлган материяга нисбатан ёрқинроқ акс этади. Унинг сатрларини диққат билан ўқиганда, ўқувчи абадий ритмга тобора кўпроқ ошно бўлади, инсон ҳаётининг хронологик жиҳатдан чекланган бўлаги узра тобора баландроқ кўтарилади ва дунёни унинг ажралмас яхлитлигида кўради, бунда инсон ва коинот, ўтмиш, келажак ва ҳозирги вақт ажралмас ва “адабият” сўзи билан белгиланган. Айнан шу боис унинг ноэтик дискурси учун замон-макоини қабул қилишни акс эттирувчи соф метафоралар шунчалик муҳим. Лорка ички сезгисига таяниб замон-макон образларини моделлаштиради, қайсики нафақат табий, балки космик воқелик учун ҳам очиқ ва бу жараён ҳайратланарли тарзда XX аср биринчи ярми шеъриятида физикадан аввал бошланган. Мисол тариқасида “*Romance de la Guardia civil Española*” (*Романс об испанской жандармерии*) асарини олайлик<sup>43</sup>

*La Virgen y San José  
perdieron sus castañuelos,  
y buscan a los gitanos  
para ver si las encuentran.*

*La Virgen viene vestida  
con un traje de alcaldesa*

*de papel de chocolate  
con los collares de almendras.*

*San José mueve los brazos  
bajo una capa de seda.*

*Detras va Pedro Domecq  
con tres sulnanes de Persia*

Ушбу нарчада ўтмиш ва ҳозирги вақтнинг чегаралари метафорик образлар орқали кесишган: Биби Марям ва унинг эри авлиё Иосиф, шунингдек уч нафар форс султони (Инжилдаги уч нафар сеҳргар) илоҳий ўтмишни акс эттиради; уларнинг лўлилар тўдаси орасида бўлиши ва фаолияти, шунингдек XX асрнинг биринчи ярмида<sup>44</sup> Испанияда кенг танилган коньяк-ликёр ишлаб чиқарувчи фирманинг раҳбари Педро Домек (ҳозирги найт)ни англатади. Лорка шу тариқа Рождество байрамини нишонлаш найтида хоч юриши сахнасини метафорик тасвирлаган, бироқ, унинг қаҳрамонлари шунчаки католиклар байрамнинг авлиёлари эмас, балки тирик одамлар ва улар ўзларини ўраб турган лўлилардан ҳеч қандай фарқ қилмайди. Лорканинг метаметафораси – бу юксалиш, анъанавий равишдаги настликдан юқориликка, одатийдан абадийга томон кескин силжишда кўринади. Бундай ўхшашликнинг эмоционал оқибатини фақат ўзига хос дунёқараш эгаси бўлган шоир аниқ ифодалай олади. Чунки унда яна идеалликга интилиш кучли. Бунда таққослаш бир бирини юксалтирувчан бўлган: лўлилар авлиёларга ўхшатишган, улар эса ўз навбатида ттрилиб, одам қиёфасини касб этган.

Лорканинг “*Suite de los espejos*” (“*Сюита зеркал*”)<sup>45</sup> шеърий тўпламини кўриб чиқайлик. Масалан, “*Rayos*” шеъри: *Todo es abanico./Hermano, abre los brazos. /Dios es el punto.* Лорканинг Эвклидга хос бўлмаган нигоҳи параллель чизиқларни ҳеч қачон кесишмайдиган тўғри чизиқ сифатида эмас, балки бу чизиқлар ўрасида кесишув нутқаси борлигини кўрсатган буюк олимнинг ғоясига хос равишда кўради. Лорка тўғри чизиқларнинг кесишувини очилган елниғичнинг ёрқин ва кўримли метафораси орқали етказди, унда тўғри

<sup>43</sup>Федерико Гарсиа Лорка. Песня хочет стать светом. – СПб.: Азбука-классика, 2004. – С.160–161.

<sup>44</sup>Федерико Гарсиа Лорка. Там же. – С. 291.

<sup>45</sup>Федерико Гарсиа Лорка. Там же. – С. 248–260.

чизиқлар муайян жойда бириктирилган. Бириктиришсиз елниғич тўкилиб кетади ва мавжуд бўлмай қолади, инсоннинг ички дунёси ва ташқи – космик дунё кесишган нуқтасиз Коинот ҳам мавжуд бўлмай қолади. Бундай “елниғич” учун ягона бириктирувчи макон бу Худо. Католик дини ҳар қандай иснаннинг онг остида ва генетик даражасида мустақкам эканлигини ҳисобга олсак, Лорка учун бириктириш нуқтаси Худо эканлигига ҳайрон бўлмасак ҳам бўлади. “Худо фақат олдиндаги нуқта” геометрик макон метафораси бунга ишора қилади. Бироқ, бундай талқин шоирнинг хаёлотли парвози ва шеърда мужассам бўлган маънони чегаралайди. Худонинг нуқтага менгзалиши, эҳтимол, анъанавий маъбуд ўлчаб бўлмайдиган даражада каттароқ Абсолют томон ҳаракатланишдаги босқич холос эканлигига ишониш натижаси бўлса керак. “*Suite de los espejos*” (“Сюита зеркал”) тўшамининг ҳар бир шеъри шу тариқа метаметафора, афсона бўлиб, унда дунёнинг очиқлиғи ўзгаришсиз бизнинг ўзимизда ёнилади, бироқ шунда ҳам роҳатли яқунга эришиш умиди яшаб қоладики, бунда воқелик ойналарни кераксиз матоҳга айлантиради.

## ХУЛОСА

Ушбу тадқиқотни олиб бориш давомида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Анъанавий ўрганишда метафора асосан фақат лингвистик восита сифатида ўрганилади, аслида тафаккурнинг ўзи метафорадир, чунки у таққослаш орқали ривожланади ва шу сабаб тилда найдо бўлади. XX асрда янги йўналишлар пайдо бўлгач метафора тилшуносликда умум-бирлаштирувчи ҳодиса сифатида қайд этилди, метафора тадқиқи турли ракурсларда когнитив фанлар кесимига асос бўлди ҳамда метафора аллақачон инсон тафаккури ривожланишининг муҳим ҳосиласи сифатида эътироф этилди.

2. Метафорик усулларнинг алоҳида аҳамияти турли миллий маданиятларга мансуб инсонлар ўртасидаги мулоқотнинг кенгайиши ва чуқурлашиши билан изоҳланади, чунки айнан шу омил метафорани миллий-маданий жиҳатдан кўриб чиқиш заруратини юзага келтирди. Гарчи олами англаш ва ўзлаштириш жараёни, уни тилда намоён бўлиши ҳамма халқларда турлича, ҳар бир маданият олами ўзига хос моделга эга бўлса-да, баъзан бегона тил призмаси орқали бу жараёнлар чуқурроқ анланади. Шу тариқа, оламнинг миллий манзарасидаги фарқларни умуммиллий концептларнинг мавжудлиғи билан изоҳлаш мумкин, улар нутқда вербаллашади, у ёки бу маданиятнинг ўзига хос метафоралари тизимини яратади, шунингдек ёзувчи ва шоирлар ижодида индивидуал метафораларнинг ранг-баранг бойлигини ҳосил қилади. Зотан, метафорани ҳосил қилиш умумий аҳамиятга эга миллий қадриятларга асосланади ва муайян онгга хос, барқарор хусусиятларни акс эттиради.

3. Поэтик дискурдаги концептуал метафора вазифаси тадқиқи жараёнида унинг янги маълумотлар тақдим этиш, ўз маъносидан бошқа маъно ва иккиламчи маъно ҳосил қилиш, миллий ва маданий хусусиятларни



ифодалаш, индивидуал-муаллифлик олами манзарасини акс эттириш, ҳиссиётлар ва ахборот алмашишнинг энг оқилона тарзида етказиш каби хусусиятлари кузатилади.

4. Ф.Г. Лорка муаллифлик метафоралари мазмунини аниқ тушунишда реципиентнинг Испания жанубий қисмига хос урф-одат ва иримлар, Андалусия лўлиларининг турмуш тарзи каби экстралингвистик билимларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга. Испания жанубида араб, рим ва лўли маданияти аралшиб кетган бўлиб, бу жиҳатлар шоир ижодидаги оламиинг концентуал, миллий-маданий ва индивидуал-муаллифлик манзараси тасвирига катта таъсир кўрсатган.

5. Федерико Гарсиа Лорка шеъриятида метафора шу қадар кўп ва моҳирона қўлланган-ки, улар табний шундай бўлиши керак деган тасаввур уйғонади. Буюк испан шоири поэтик дискурсида муаллифлик метафоралари таҳлил қилинганда Лоркага хос қуйидаги қонуниятлар аниқланди:

1) Лорканинг метафораси асосан таққослаш устига қурилади.

2) оламиинг миллий-маданий манзарасини тавсифловчи концентуал метафоралар ташбиҳи табиат ҳодисалари ёки инсон фаолиятини тўғридан-тўғри испан турмуш тарзига нарса-предметларни кўчириш орқали амалга оширилади:

ШАКЛ ВА ЎЛЧАМЛАРИ НАЗАРДА ТУТИЛГАН МАҚСАДГА ҲАМОҲАНГ КИЧИК ЎЛЧАМДАГИ НАРСА-ПРЕДМЕТ ЁКИ ОБЪЕКТЛАР: “КАМОН”, “ТОРЛАР”, “МУСИҚА АСБОБИ”.

МАИШИЙ, САНОАТ, ДИНИЙ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК УЧУН ИШЛАТИЛАДИГАН НАРСА-ПРЕДМЕТ ЁКИ ОБЪЕКТЛАР: “ХАНЖАР”, “ОМОЧ”, “СИМЛАР”, “ЎРОҚ”, “КИРКА”, “ШАМДОН”, “ТЎР”, “ПИЧОҚ”, “ҚАЙЧИ”.

3) AMOR (МУҲАББАТ) ва MUERTE (ЎЛИМ) концентуал метафоралари қуйидаги метафорик моделлар орқали тавсифланади:

AMOR → CUERPO HUMANO = OBJETOS DE FLORA Y FAUNA (МУҲАББАТ → ИНСОН ТАНАСИ (кўпинча аёл) = ФЛОРА ВА ФАУНА).

MUERTE → CUERPO HUMANO = OBJETOS DE FLORA Y FAUNA (ЎЛИМ → ИНСОН ТАНАСИ (камдан кам ҳолатда) = ФЛОРА ВА ФАУНА).

4) Лорка шеъриятида жонсиз табиат ҳодисаларини тавсифловчи антроморфик метафоралар тез-тез учрайди ва уларнинг декодланиш (очиқ берилиши) бизга унинг концентуал маъносини, аниқроғи – шеърий асарнинг яширин сюжетини тушуниш имконини берувчи муҳим элемент ҳисобланади. Уни ташкил этиш иринцини қуйидаги метафорик моделларга асосланади: LLUVIA – PAZ, ESTRELLA – HARMONÍA, LUNA – MUERTE, VIENTO – FURIA (ЁМҒИР – ХОТИРЖАМЛИК, ЮЛДУЗ – УЙҒУНЛИК, ОЙ – ЎЛИМ, ШАМОЛ – ҒАЗАБ).

6. Метаметафора ҳам троп (космологик мазмундаги метафора), ҳам матн кўринишида намоён бўлиши мумкин. Унинг ўзига хос хусусияти эса космоцентризмга мойил ноёб поэтик-фалсафий табиатдан иборат. Лорканинг метаметафоралар маънолари қуйидаги макон ва замон соҳаларига мойил:

*олам/воқелик, инсонга/оламга муносабат; вақт, коинот, реаллик ва ирреаллик ўртасидаги шоир.* Улар Лорканинг оламини ҳис қилиши негизида мужассам бўлган инсон ва коинот ҳақидаги бирлик ҳамда Абадият, инсоннинг фоний ҳаёти ва коинотнинг абадий мавжудлиги ўртасидаги нафис боғлиқлик ҳақидаги тасаввурларини очиб беради.

7. Лорка нозтик дискурси стратегияси – муаллифга хос дунёни қабул қилиш услубини моделлаштириш – субъектив муаллифлик дунёқарашига мойиллик воситасида амалга ошади. Лорка дискурсининг индивидуал ўзига хос жиҳати атрофдаги воқеликни турмуш ва турмушга оид ҳодисаларни метафоризация қилиш воситасида эстетиклаштиришдан иборат.

8. Умуман, метафоранинг муайян шахс ва воқеликка муаллифлик муносабатини намоён этиш воситаси сифатида кўриб чиқиш шоирнинг халқ тарихи, ўтмиши, ҳозирги ҳолати ва ҳаттоки, келажакка алоҳида эътибори ҳақида сўз юритиш имконини беради. Ўтказилган таҳлил эса Ф.Г.Лорка шахсиятини ҳақиқий иснан шахсияти сифатида тавсифлаш, шу билан бирга унинг миллий-диний қарашларининг тор доирасидан кескин чиқиб кетишга муваффақ бўлганини тасдиқлайди. Лорка бой маънавий ва чуқур тафаккур эгаси эканлигини шеърлятида гавдалантира олган. У ўтмишнинг маданий меросини сақлаш тарафдори, мумтоз адабиётда ўз ватани Испаниянинг бетакрор қиёфасини тавсифлаган шахс сифатида намоён бўлган.

9. Федерико Гарсиа Лорканинг нозтик дискурсида концептуал метафораларнинг ҳосил бўлиш механизминини аниқлаш, концептуал метафора ва испан миллий маданияти ўртасидаги боғлиқлик ҳақидаги саволга жавоб бериш, метаметафоранинг ўзига хос моҳиятини очиб бериш кабилар испан лисоний шахсини аниқлаш учун катта аҳамиятга эга. Оламнинг концептуал манзараси спецификасига хос объектив маълумотларни метафорик моделлар ёрдамида олиш мумкин. Бунда метафоранинг ушбу дискурс туридаги функцияларини ҳисобга олиш ва семантик таҳлилнинг барча воситаларидан фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Бунда концептуал метафоранинг нафақат когнитив, балки лингвокультурологик назарияси ҳам муҳим аҳамиятга эга.

10. Федерико Гарсиа Лорка ижодида қўлланган метафоралар иснан лисоний онг ва лисоний шахсига доир миллий- маданий хусусиятларни аниқ ва ёрқин тавсифлаши жиҳатидан муҳим ҳисобланмоқда. Ҳозирги тилшуносликда маданий қадриятларнинг иснанча миллий тўплами тўлақоили ўрганилмаган ва у ўзининг батафсил илмий-назарий таърифини кутмоқда. Тамаддун тараққиётида замонавий воситалар билан қуролланган гуманитар илм-фан Федерико Гарсиа Лоркага хос ижод моҳиятини англашда метафоранинг воқелик, тафаккур, мептал онг билан ўзаро алоқаси ва боғлиқлигини ўрганиш улкан аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01  
НО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ УЗБЕКСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ**  

---

**УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ МИРОВЫХ  
ЯЗЫКОВ**

**ТУРАМУРАТОВА ИРОДА ИЛХОМБАЕВНА**

**МЕТАФОРА КАК ОСНОВНОЙ ТРОН ИСПАНСКОГО  
НОЭТИЧЕСКОГО ДИСКУРСА  
(на материале поэзии Федерико Гарсиа Лорки)**

**10.00.04 – Языки и литература народов Европы, Америки и Австралии**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2022**



Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2020.2.PhD/Fil175.

Диссертация выполнена в Узбекском государственном университете мировых языков.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу ([www.uzswlu.uz](http://www.uzswlu.uz)) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)).

Научный руководитель:

**Бахронова Дилрабо Келдиёровна**  
доктор философии (PhD) по филологическим наукам, доцент

Официальные оппоненты:

**Рахимов Ганишер Худойкулович**  
доктор филологических наук, профессор

**Шамахмудова Азиза Фуркатовна**  
доктор философии (PhD) по филологическим наукам, доцент

Ведущая организация:

Университет мировой экономики и дипломатии


Защита диссертации состоится «26» февраля 2022 года в 13<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 по присуждению ученых степеней при Узбекском государственном университете мировых языков (Адрес: 100138, город Ташкент, Учтепинский район, улица Кичик халка йули, дом 21А. Тел.: (+99871) 230-12-91; факс: (+99871) 230-12-92; e-mail: [uzswlu\\_info@mail.ru](mailto:uzswlu_info@mail.ru))


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Узбекского государственного университета мировых языков (зарегистрирована за № 5). (Адрес: 100138, город Ташкент, Учтепинский район, улица Кичик халка йули, дом 21А. Тел.: (+99871) 230-12-91; факс: (+99871) 230-12-92.)


Автореферат диссертации разослан «14» февраля 2022 года.

(Реестр протокола рассылки № 5 от «14» февраля 2022 года).



  
**Г.Х. Бакиева**  
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.филол.н., профессор

  
**Х.Б. Самигова**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.филол.н., доцент

  
**Ж.А. Якубов**  
Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.филол.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировой лингвистике изучение феномена метафоры является важной задачей в выявлении национально-культурной специфики менталитета. Лингвокогнитивная природа метафор в философии, в лингвистике, в поэтическом дискурсе и в антропоцентрической парадигме, условия их возникновения, место и значение в образовании лексических единиц, классификация, возможность определения метафорических моделей стали одними из главных вопросов языкознания.

В мировой лингвистике осуществлены определенные исследования по выразительности поэтического дискурса. Однако проблема метафоры в поэтическом дискурсе в испанском языке и культуре, а также её роль и интерпретация в этнокультуре, концептуальной картине мира, в индивидуально-авторских стилях до настоящего времени недостаточно изучены. Одним из основных объектов когнитивной лингвистики, раскрывающий мышление конкретного языкового общества является богатый фонд метафор, которые являются важными элементами для раскрытия национально-культурных аспектов этого народа. В испанистике научное исследование поэтического дискурса Федерико Гарсиа Лорки является актуальным для выявления мировоззрения и национально-культурных аспектов, присущих этой нации.

На современном этапе реформирования общества в нашей стране с учётом духовных, национально-культурных и общечеловеческих факторов науки и образования особое внимание уделяется «развитию фундаментальных, прикладных и инновационных научных исследований, сохранению существующих научных школ и созданию новых, укреплению их кадрового потенциала, стимулированию широкого вовлечения талантливой молодежи в науку»<sup>1</sup>. Углубленное изучение иностранных языков в области когнитивной лингвистики, лингвокультурологии, социолингвистики стремительно развивается. Изучение и анализ творчества Федерико Гарсиа Лорки, яркого представителя испанского менталитета, также показывает актуальность данного исследования, поскольку изучение индивидуально-авторских метафор и метаметафор поэта ещё не было предметом фундаментальных работ.

Данное исследование в определенной мере служит реализации задач, предусмотренных в указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, № УП-5847 «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 8 октября 2019 года, постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-5847 «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года» от 8 октября 2019 года. [https://nrm.uz/contentf?doc=602358\\_&products=1\\_vse\\_zakonodatelstvo\\_uzbekistana](https://nrm.uz/contentf?doc=602358_&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana)



образования» от 20 апреля 2017 года, № ПП-3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» от 5 июня 2018 года, Послании Президента Республики Узбекистан Олий Мажлису от 24 января 2020 года и других нормативно-правовых документах, касающихся данной сферы деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии Республики «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы.** Изучение метафоры в области общего языкознания и литературоведения проводилось во многих направлениях. Как явление художественной речи с позиций литературоведения и стилистики она изучалась, начиная с аристотелевской «Поэтики» вплоть до второй половины XX в. в работах А.Потебни, И.Гальперина, М.Миртожиева, Н.Арутюновой, И.Арнольд<sup>2</sup> и др.

Как один из путей семантической эволюции языка рассматривалась в лексикологическом и историко-семантическом плане В.Виноградовым, М. Никитиным, Г.Скляревской, В.Тарасовой, Э.Бустос<sup>3</sup>.

Наиболее актуальным подходом к метафоре на сегодняшний день можно считать когнитивный (Ш.Сафаров, Д.Ашурова, Ж.Якубов, А.Маматов, Д.Худойбергана, Д.Бахронова, А.Юлдашев, Ш.Махмараимова, Н.Арутюнова, Дж.Лакофф и М.Джонсон, Э.Кассирер, М.Блэк, Э.Маккормак, М.Минский, Е.Кубрякова, А.Баранов, А.Чудинов, Н.Болдырев, Хосе Ортега и Гассет, Кармен Навес, Антонио Бертран, М.Кандида Медрано, Х.Нубиола<sup>4</sup>),

---

<sup>2</sup> Потебня, А.А. Теоретическая поэтика. - М.: Высшая школа, 1990. - 344 с.; Гальперин И.Р. Очерки по стилистике английского языка: Опыт систематизации выразительных средств. - М.: Либроком, 2016. - 376 с.; Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. - Тошкент: Mumtoz so'z, 2010 - 288 б.; Арутюнова Н. Д. Метафора // Лингвистический энциклопедический словарь / под ред. В. Н. Ярцевой. - М.: Сов. энциклопедия, 1990; Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка. Учебное пособие для студентов пед. ин-тов по спец. «Иностр. яз.». - 3-е изд. - М.: Просвещение, 1990. - 300 с.;

<sup>3</sup> Виноградов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика // Проблемы русской стилистики. - М.: Высшая школа, 1981. - 319 с.; Никитин М.В. О семантике метафоры// Вопросы языкознания, 1979, №1. - С.91-102; Скляревская Г.Н. Метафора в системе языка. - С.Пб: Изд.-во Наука, 1993 - 152 с.; Тарасова В.К. О метафорической номинации// Семантика слова и предложения в англ. яз. - Л., 1986. - С. 41- 56.; Bustos E. G. La metáfora: ensayos transdisciplinarios. Madrid: Fondo de Cultura Económica, Universidad Nacional de Educación a Distancia, 2001. - 319 págs.

